



Нью-Йоркдан унча узок бўлмаган ярим оролнинг жанубий чеккасида Бейонн номи билан машхур бўлган, ўзига хос фаолият учун ажратилган ер участкаси бор. Бу ярим оролни иккита кенг кўрфаз ажратиб туради: бири Ньюарк, бошқиси Бруклин томонга — бепоён уммонга қараб чўзилган. Йилнинг ҳар вақтида бу ерда кучли шамол туради. Қорамтир томлар узра баликчи қушлар чарх урадилар. Ҳаммаёқда баланд-баланд фабрика трубалари, кизил гиштдан иборат “маъюс” бинолар, ёнилги учун хайбатли думалок резервуарлар — қандайдир ноҳуш алгов-далговлик, лекин бу тартибсизлик оҳанрабо кучидан холи эмас: ё фавкулудда бадбурушлик, ё фожеавий театр никоби эътиборни шундайин тортади.

Бу ерда нефт ишлаб чиқариш, аниқроғи, тозалаш қорхонасига асос солинган. Оддий иш қунлари шу ерда саноат деб аталадиган гоёт зўр манзара пайдо бўлади. Пристанга эндигина етиб келган ёки бутун дунё бандаргоҳларига сузиб кетишга тайёр улкан кемалар боғлаб қўйилган. Бош магистрал йўлдан жўнайдиган сон-саноксиз темир йўллар адоғида бузилмас қарвонлардек узундан-узун нефт тўлдирилган турнақатор цистерналар юқларини ўлканинг энг чекка-чеккаларига олиб кетиш учун ўз навбатларини кутиб ётибди. Турли кўриниш ва катталиқдаги беадад бинолар муттасил равишда халка-халка тутун бурқситиб туради. Булутли кунда, қаёққа қарама, олов кизариб кўринади — оташнинг ўчмас шуъласи қора ва қулранг тусли бир хилликка қандайдир ваҳимали тус багишлайди.

Бу бир парча ер, ҳар ҳолда, нафакат оғир инсон меҳнати-ла, балки хушманзаралиги билан ҳам диққатга моликдир. Мусаввир бу ерда минглаб ранглар жилоси, минглаб қора, кўкимтир, кизил, мовий рангларни топа олади. Манави трубалар қанчайин улкан — пастак, ер бағирлаган иморатлар устидан қад кўтариб турибди. Юз йиллар мобайнида тўп-тўп денгиз ўтларидан пайдо бўлган ботқоқликлар ҳамда нефт қуйқалари қалқиб турган қўлмақлар ўртасидаги тупроқ қорайиб кетган, ҳисобсиз бинолар деворлари ундан-да қоп-қора: ҳеч бир мусаввир бундай ранг ва туслар уйғунлиги олдида ўзини тийиб туролмайди. Уистлер булардан сурат солган бўларди. Вьерж ёки Шинн зулматнинг асл моҳиятини англаш ва тасвирлаш нима эканлигини кўрсатган бўларди. Агар бу ёкка таъсирчан одам беҳос адашиб келиб қолса, ларзага келади, дили вайрон бўлиб, тушқун қайфиятда жуфтагини ростлаб қолади. Бу доимий ҳаракатдаги юксак зулмат салтанати эди-ю, шу билан бир қаторда қулранг ва қора нафис тусларда жилваланарди.

Аммо бу манзара қанчалик лол қолдирмасин, унинг ортидаги яширин, оғир ҳаёт янада хайратомуз. Бу ерда ишлайдиганларни — улар минг-минглаб — ўйлаб ўтирмасдан энг оддий кишилар дейиш мумкин. Албатта, улар ҳеч бир алоҳида истеъдод эгаси эмаслар, йўқса, бу ерда ишламасдилар. Улар сиртдан қараганда унча истарали эмасди, ташки кўриниш одатда ботинни гавдалантиради ҳолос, бу кишилар зоҳирида кўпинча ақли норасолик сезилиб қоларди. Аксарияти инглизчани бузиб талаффуз этадиган шведлар,

поляклар, венгрлар, литваликлар; хаётлари огир, ночор. Кимки тирикчиликнинг бир нави шароитига кўниккан бўлса, у хаёт хақида бир фикрда тўхталиб, изтиробга тушади. Улар завод ёнидаги ярим вайрон кулбаларда рўзгор тебратишади. Кўл учида кун кўраётганлари биргина Яратганга аён. Маошлари ҳам катта эмас (улар учун бир, бир ярим долларнинг ўзи яхшигина ҳақ), кўплари оиласини, катта оиласини боқиши керак, негаки камбагал серфарзанд бўлади. Хамма ёқда кичкинагина коронги пештахталар ва ишчилар киттай-киттай килгани тез-тез кириб ўтадиган жимитдай ковокхоналар кўриниб туради. Ушбу пештахта ва ковокхоналарга караб беихтиёр ўйлайсанки, ҳеч бир одам, канчалик куйи поғонада бўлмасин, бунаканги шароитда яшамаслиги ва қачондир табиат бизга ато қилган олий заковатимиз бунга йўл қўймаслиги лозим. Шунга карамасдан буларнинг бари кўз олдингизда.

Аммо чидаб бўлмайдиган жазирама ёзда ёки каттик совуқда, қор-ёмгирда, табиат кучлари кутурганда бу харобалар қандайдир бадковок дабдаба, мотамсаро ночорлик мисол тус олади — бундай манзара учун табиатга офарин дейиш мумкин! Улар шундай хўмрайганки, шундай махзун, ночорки. Рассомлар улардан суратлар, ёзувчилар китоблар, мусикачилар янги товушлар яратишлари учун илхом топа оладилар. Бу энг зим-зиё киёфадаги хаёт.

Агар кулбалар яқинидаги заводда кетаётган ишни тасвирламасак манзара тўлиқ бўлмайди — ишки бир зайлдаги, ифлос, халоватсиз, на онгга, на юракка бирон нима бера олади. Чунки бу хар куни такрорланадиган, бир қолипдаги жараён: бочкалар нефт билан тўлдирилади; кейин унга нефт тозалаш хоссасига эга муайян микдордаги турли кимёвий моддалар қўшилади; нефтни у бочкадан бунисига окизиш учун жўмраклар буралади ва ниҳоят, автомобиль ёки пароходга юкланадиган бочка ва бакларга тайёр махсулот қуйилади. Буларни хар қандай энциклопедиядан ўқиб билиб олишингиз мумкин. Мени бошка томони кизиктиради: бу ерда, юракни сикадиган коронгу туманда, кўланса хид ва буг орасида Худонинг берган куни одамлар ишлашади. Бу на соғлиққа, на маънавий тараккиётга қулайлик тугдирадиган ярим коронгулик, бадбўй, захарли газга тўлган бу хаво нима эканлигини тушуниш учун завод ховлисига кириб, хоҳлаган бинога тикилиш, ишчиларнинг холдан тойган, огир кадам ташлашларига боқишнинг ўзи кифоя. Хамма ёқда факат нефт, хар турли чиқиндилар ва кислоталарни кўрасан. Хар тарафдан кора, кўкимтир пага-пага тутунлар осмонга кўтарилади. Оёк остидаги ер нефтга тўйинган, теварақдаги жамики нарсалар — цистерналар, юк машиналари, асбоб-ускуналар, бинолар ва албатта одамларга нефт сачраб, доғ бўлган. Нефтдан қочиб кутулолмайсан, гўё. Хавонинг ўзи ҳам тутун ва нефтга тўйинган.

Шундай шароитда ҳам минглаб одамлар ишлашади. Уларни эрталаб қўлларида нонушта солинган декча ёки сават билан ишга битта-битта кадам ташлаб кетаётганликларини кўриш мумкин: юзлари рангпар, захил; муттасил тутун ва зарарли бугдан баъзилари энтикиб-энтикиб йўталишади. Окшом ортга қайтишади, тинмай йўталишади; кундузги машаккатли меҳнатдан сўнг кеч тушади, тунаш ҳам коронгу расталар орасида, бошпана деб атолмайсан. Ўрниларига эса узун-киска бўлиб, бошқалар келишади. Хар тонг ва хар окшом икки соат давомида ишга келиб-кетаётганлар окими камида икки милга узун ичакдек чўзилади. Уларда на хурсандчилик, на тетиклик руҳини пайкайсан. Барчасини юзида бир зайлдаги, бир қолипдаги ишни бажаришга мажбур кишидагина пайдо бўладиган ифода қотиб қолган. Дархақиқат, бу юракни эзадиган кўриниш.

Шундай бўлса-да, мен бу меҳнатни мутлақо чидаб бўлмайдиган демасдим. “Тангрининг амрисиз тикан ҳам кирмайди”, — дейилади қадимий мақолда ва бу шубҳасиз, ҳақ гап.

Тўғри, бу одамлар баъзи бир хиссиётга берилувчанларга ўхшаб унчалик зийрак ва таъсирчан эмаслар. “Атроф-мухит” тушунчаси уларга нотаниш бўлиши мумкин. Аммо саломатликларига аник мана шу ишда путур етади, яшаш шароитлари ҳам жуда ёмон. Бунга юкори бўлмаган тараккиётни ёки камчилгина маошни рўқач килиш тўғримикин? Албатта, бири иккинчисини тўлдириб туради. Хар кандай моддий ёки маънавий ёрдамни ишончсизлик билан кабул килишган бўлишарди. Нима бўлганда ҳам хозиргача уларнинг ахволини яхшилашга биров урингани йўқ. Уларга иш хаки тўлашади, бундан бошка мадад хакида хеч ким ўйламайди ҳам.

Масалан, коргич ва суюклик хайдайдиган кубларни нефт чикиндиларидан тозалайдиган бутун бошли ишчилар армиясининг тор казноги катта мухандиснинг хужрасидан кейин тахталар билан ўралган. Ёруглик кичкина эшик тиркишидан тушиб туради. Совун ҳам, сочик ҳам йўқ, факат ёгоч тогорага ўхшаш сув тўлдирилган узун тарнов. Тушда ва окшомда ўз насибаларидан курук колмаслик учун уч юздан зиёд ишчилар кириб-чикадиган козонхона ҳам хавас килгудек эмас. Кимлардир ишдан кейин чала-чулпа ювинишга киришади, бошқалари искиртликларича цехдан чикиб кетаверишади — барибир яхшилаб ювинолмайсан. Бу жуда кўп вақтни олади. Ишчилар учун тоза, шинам ошхона ёки айтайлик, уствошхона куриш бировнинг хаёлига келмайди. Егуликни уйдан ўзлари билан олиб келишади.

Бирок мен ёлланма меҳнатнинг мушкулотини ахлоқ нуктаи назаридан мухокама этмокчиман, мен факат нефт саноати соҳаси кандай бўлса, шундайлигича тасвирламокчиман. Агар кайгули томоша таъбингизга тўғри келса, хаво айнийдиган кун бу ерда якин орада ўтмишга айланадиган, дунё огишмай ўзгараётган бир пайтда, огир, хузур-халоватсиз меҳнатнинг тугал суратига гувоҳ бўласиз.

Бир томонда кўлларида хокимлик ва бойлик бўлган ўта хасис хўжайинлар; иккинчи томонда бу хасислик ва локайдликнинг итоатли курбонлари; барининг боши узра тутун, газ, хар ёкда бадбўйлик сингиб кетган тош деворлар. Мабодо ёвуз душманингизни асфаласофилинга жўнатмокчи бўлсангиз, одамлар шарпадек изгийдиган мана шу жирканч тош деворлардан ўзга муносибини ахтариб тополмайсиз. Табиатнинг бу ўгай фарзандлари кай даражадаги колокликда колишларини тасаввур этиш мушкул.

Пастда – жахолат, онгсизлик, хиссизлик; юкорида, нефт концерни бош акционерлари дангиллама ховли, шахсий автомобил, суратлар коллекциясига эга. Бешинчи авенюнинг хашаматли саройлари, Ньюпорт, Палм-Бичнинг койилмаком курортлари юкоридагилар учун барпо этилган, санъат ва эркинлик ҳам улар учун; коронгу завод цехлари, коп-кора тутунлар, касалликлар, бадбўйлик, факирона кулбалар пастдагилар учун яратилган. Бу олдиндан белгиланган хаёт конуни эмас, деб ким айта олади? Бунга ўзгартириб бўладими? Ким бунга кодир?

Рус тилидан Саиджалол Саидмуродов таржимаси